



ТИЗИМИНИ ЎРНАТИШ

```
Mandriva Linux 2007.1'га марҳамат
Диалог усулида ишга тушириш учун "I"ни босинг.
Кернелнинг параметрлари мосланмоқда: [ OK ]
Соат ўрнатилмоқда (utc): Sat Mar 3 22:45:11 UZT 2007 [ OK ]
Андоза тугмалар тартиби юкланмоқда: [ OK ]
Компьютернинг номи localhost ўрнатилмоқда: [ OK ]
Туб файл тизими текширилмоқда
/dev/sda1: clean, 131273/428032 files, 2306956/3421812 blocks [ OK ]
Туб файл тизими ўқиш-ёзиш усулида қайтадан уланмоқда: [ OK ]
Clearing Software Suspend 2 signatures... done.
Enabling /etc/fstab swaps: [ OK ]
Файл тизимлари текширилмоқда
/dev/sda6: clean, 5868/273408 files, 280900/2184808 blocks [ OK ]
Локал файл тизимлари уланмоқда: [ OK ]
Loopback файл тизими текширилмоқда [ OK ]
Loopback файл тизимлари уланмоқда: [ OK ]
Тугмалар тартиби юкланмоқда: uz.uni [ OK ]
Loading compose keys: compose.latin.inc [ OK ]
The BackSpace key sends: ^? [ OK ]
Loading toggle definition: alt_shift_toggle.inc [ OK ]
Своп ёқилмоқда: [ OK ]
```

Машраб Қуватов

Беҳзод Саидов

floss-uz-l10n лойиҳаси



Матн

Муаллифлик ҳуқуқи © 2006-2007 Машраб Қуватов <kmashrab@uni-bremen.de>, Беҳзод Саидов <behzodsaidov@gmail.com>. Бу ҳужжатдан нусха олиш, уни тарқатиш ва ўзгартиришга GNU Free Documentation лицензиясининг 1.2 версияси шартлари асосида рухсат берилди. Лицензия тафсилотлари билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин:
<http://www.gnu.org/licenses/fdl.html>

Муқова

Муаллифлик ҳуқуқи © 2007 Машраб Қуватов <kmashrab@uni-bremen.de>, Беҳзод Саидов <behzodsaidov@gmail.com>. Бу ҳужжатдан нусха олиш, уни тарқатиш ва ўзгартиришга Creative Commons Attribution-NonCommercial-ShareAlike лицензиясининг 3.0 версияси шартлари асосида рухсат берилди. Лицензия тафсилотлари билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин:
<http://creativecommons.org/licenses/>

Мундарижа

Кириш	5
Тайёргарлик	7
1.1 DVD-диск	7
1.2 Диск	8
1.3 BIOS	9
Ўрнатиш	11
2.1 Бошлаш	11
2.2 Тил	12
2.3 Лицензия	13
2.4 Тугматаг	13
2.4.1 Тугмалар тартибини танлаш	13
2.4.2 Тугмалар бирикмаси	14
2.5 Хавфсизлик	14
2.6 Дискни бўлиш	15
2.7 Пакетлар	18
2.8 Фойдаланувчи	21
2.8.1 Root	21
2.8.2 Оддий фойдаланувчи	21
2.9 ОТ юклагичи	23
2.10 Ҳисобот	23
2.11 График интерфейсни мослаш	24
2.11.1 График карта	24
2.11.2 Монитор	24
2.11.3 Синаш	27
2.12 Янгिलाш	27
Яқун	29
Саволлар ва таклифлар	31

Кириш

Mandriva Linux операцион тизими Mandriva S.A. томонидан қўллаб қувватланадиган GNU/Linux дистрибутиви бўлиб у 1998 йилда биринчи марта оммага тақдим қилинган. Унинг асосий мақсади бўлиб фойдаланувчилар учун қулай бўлган ва осон ишлатиладиган GNU/Linux тизимини яратиш бўлиб ҳисобланади. Mandriva'нинг икки асосий устунликлари очик код ва ҳамкорликдаги жамоа ишидир. Mandriva Linux 2005 йилга қадар “Mandrake Linux” номи билан машҳур эди. 2005 йил апрел ойида Mandrakesoft ва Бразилиянинг Connectiva компанияси бирлашиши натижасида Mandriva компанияси ташкил қилинди. Шу билан бирга унинг асосий маҳсулоти бўлган Mandrake Linux ҳам Mandriva Linux деб номланди.

Қуйида келтирилган Интернет боғлари орқали Mandriva Linux бўйича янада кўпроқ маълумотлар олишингиз мумкин:

www.mandriva.com – Mandriva компанияси расмий веб-сайти (инглиз тилида)

www.mandrivalinux.com – Mandriva Linux ОТи веб-сайти (инглиз тилида)

Mandriva Linux тизими етмишга яқин тилга қисман ёки тўлиқ таржима қилинган. Уларнинг ичида ўзбек тили ҳам бор, аммо таржима ҳали тўлиқ бажарилмаган. Агар сиз ҳам таржимага ўз ҳиссангизни қўшмоқчи бўлсангиз, **Mandriva Linux-i18n-uz** веб-саҳифасига¹ қаранг ва координатор билан боғланинг. Mandriva Linux ва бошқа бир қатор эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таржимаси бўйича **floss-uz-110n** Google гуруҳига² ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Mandriva Linux 2007 Spring 2007-йил 17-апрелда чиққан. У Mandriva Linux 2007.1 деб ҳам аталади. Қулайлик учун бундан буён у ушбу қўлланмада худди шундай аталади. У бир неча турларда тарқатилади - Mandriva Linux 2007.1 Free, Discovery, Powerpack, Powerpack+ ва One. Mandriva Linux 2007.1 One - Live CD. Бу дегани уни компьютернинг дискига ўрнатмасдан ишлатиш мумкин. Маълумот алмашиш учун қаттиқ диск сифатида хотира ишлатилади. Шунинг учун ҳам бундай тизимдан фойдаланиш кўп (камида 128 Мб) ҳажимли хотирани талаб қилади. Компакт-дискнинг ҳажми (650–700 Мб) чегараланганни ҳисобга олсак, унда жойлашган дастурларнинг сони ҳам чегараланган бўлади. Бундан ташқари, бундай тизим сезиларли секин ишлайди. Чунки дастурларга керак бўлган маълумотни деярли тинимсиз компакт-дискдан ўқишга тўғри келади. Бу камчиликларга қарамасдан бу Live CD Mandriva Linux 2007.1 билан танишиш учун жуда қулай тизимдир. Уни компьютернинг дискига ўрнатаман десансиз, унда бу учун жуда қулай восита бор.

Mandriva Linux 2007.1 Free битта DVD-дискда иборат бўлиб ўз ичида KDE 3.5.6, OpenOffice 2.1, Firefox 2.0 каби дастурларга эга. У Mandriva Linux 2007.1 One каби Интернет орқали ISO-файл сифатида бепул тарқатилади.

Mandriva Linux 2007.1 Discovery, Powerpack ва Powerpack+ бепул тарқатилмайди, уларни фақат сотиб олиш мумкин. Уларнинг Mandriva Linux тизимининг Free турига нисбатан асосий фарқи шундаки уларда Flash Player ва Acrobat Reader каби эркин бўлмаган (дастурнинг асл коди у билан тарқатилмайди) дастурлар бор. Mandriva Linux 2007 Spring Discovery, Powerpack ва Powerpack+ орасидаги фарқ фақат дастурлар сонидадир. Mandriva Linux 2007.1 Powerpack+ энг кўп дастурлар сонига эга.

Mandriva Linux тизимини бир неча усул ёрдамида ўрнатиш мумкин. Бу усуллар ичига тармоқ орқали, қаттиқ диск орқали ўрнатиш киради, аммо булар билан чегараланмайди. Ушбу қўлланмада фақат DVD-диск ёрдамида Mandriva Linux тизимини ўрнатиш кўрсатилади. Бошқа усул ёрдамида ўрнатиш ҳақида

¹Веб-саҳифанинг Интернет манзили <http://www.mandrivalinux.com/110n/uz.php3>. Ушбу веб-саҳифада Mandriva Linux тизимини ўзбекчага таржима ҳисоботи билан танишиш мумкин.

²Floss-uz-110n гуруҳининг Интернет манзили <http://groups.google.com/group/floss-uz-110n?hl=uz> Ушбу гуруҳ эркин ва очик кодли дастурларни ўзбек тилига ва Ўзбекистон шароитларига мослаш билан шугулланади. Гуруҳга истаган киши қўшилиб ўз фикрини билдириши ёки жамоа ҳаракатига ҳисса қўшиши мумкин.

маълумот бериш қўлланманинг келаси таҳририга режалаштирилган.

Ушбу қўлланмада Mandriva Linux 2007.1 Free тизимини кирил ёзувида ёзиладиган ўзбек тилида ўрнатиш намоиш қилинади. Қўлланмадан фойдаланиб Mandriva Linux 2007.1 Discovery, Powerpack ва Powerpack+ тизимларини ҳам ўрнатиш мумкин. Ўрнатишдан аввал бажарилиши керак бўлган амаллар 1.1, 1.2, 1.3-бобларда кўрсатилади. Бутун ўрнатиш жараёни расмлар ёрдамида 2.1-бобидан бошлаб қадам-бақдам тушунтириб ўтилади.

Тайёргарлик

Ушбу бўлимда ўрнатишдан олдин бажарилиши керак бўлган амаллар кўрсатилади.

1.1 DVD-диск

Mandriva Linux 2007.1 тизимини ушбу қўлланма бўйича ўрнатиш учун DVD-диск тасвирини (ISO-файл) қуйида кўрсатилган мазиллардан ёзиб олиш мумкин.

- Голландия

<ftp://ftp.nluug.nl/pub/os/Linux/distr/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.surfnet.nl/pub/os/Linux/distr/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<http://ftp.nluug.nl/ftp/pub/os/Linux/distr/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<http://ftp.surfnet.nl/ftp/pub/os/Linux/distr/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

- Олмония

<ftp://ftp-st.ud.fht-esslingen.de/pub/Mirrors/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.fh-wolfenbuettel.de/linux/mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.informatik.hu-berlin.de/pub/Linux/Distributions/Mandrake/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.join.uni-muenster.de/pub/linux/distributions/mandrakelinux/official/iso/2007.0>

<ftp://ftp.uasw.edu/linux/mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.uni-bayreuth.de/pub/linux/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ramses.wh2.tu-dresden.de/pub/mirrors/mandrake/official/iso/2007.1/>

- Франция

<ftp://fr2.rpmfind.net/linux/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.ciril.fr/pub/linux/mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.cru.fr/pub/linux/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.free.fr/mirrors/ftp.mandriva.com/MandrivaLinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.int-evry.fr/pub/linux/mandrake/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.lip6.fr/pub/linux/distributions/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.mandrake.ikoula.com/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<ftp://ftp.uvsq.fr/pub/mandrake/official/iso/2007.1/>

<ftp://linux.ups-tlse.fr/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

<http://fr2.rpmfind.net/linux/Mandrakelinux/official/iso/2007.1/>

Ёзиб олиш манзилларининг тўлиқ рўйхатини қуйидаги веб-саҳифада кўриш мумкин:

<http://www.mandriva.com/en/download/free>

Ўрнатишни DVD-дискдан бажариш учун қуйидаги ISO ва MD5-файлни ёзиб олинг.

```
mandriva-linux-2007-spring-free-dvd-i586.iso
mandriva-linux-2007-spring-free-dvd-i586.iso.md5
```

Энди, ISO-файл хатосиз ёзиб олинганини албатта текширинг. Бунинг учун md5sum буйруғидан қуйидагича фойдаланса бўлади, уни ISO-файли жойлашган директориядан туриб бажариш керак. Windows учун md5sum.exe воситасини қуйидаги жойдан ёзиб олса бўлади:

<http://www.etree.org/cgi-bin/counter.cgi/software/md5sum.exe>

```
$ md5sum -c mandriva-linux-2007-spring-free-dvd-i586.iso.md5
mandriva-linux-2007-spring-free-dvd-i586.iso: OK
```

Натижада экранда юқоридаги хабарлар пайдо бўлиши керак. Агар ҳамма нарса тўғри бўлса, ISO-файлни бўш DVD-дискка ёзинг. Linux тизимида буни K3b дастури ёрдамида бажариш мумкин.

1.2 Диск

Энди қаттиқ дискни тайёрлашга ўтамиз. Mandriva Linux тизимини ўрнатишдан олдин дискда янги қисмлар яратишингиз керак бўлади. Янги қисмлар яратиш 2.6-бўлимда батафсил кўрсатилади. Ўрнатишни бошлашдан олдин сизда қуйида кўрсатилган ҳолатлар бўлиши мумкин. Ўзингизга мос келадиган ҳолатдаги кўрсатмалар бўйича дискни тайёрланг.

- **Биринчи ҳолат:** Фақат Mandriva Linux тизими ўрнатилаётган бўлса.

Агар сиз Mandriva Linux тизимини ҳеч қандай операцион тизим ўрнатилмаган компьютерга ўрнатаётган бўлсангиз ёки бутун дискни ўчириб фақат Mandriva Linux тизимини ўрнатаётган бўлсангиз дискларга ҳозирча ҳеч қандай ўзгартириш киритишингиз шарт эмас.

- **Иккинчи ҳолат:** Windows ва Mandriva Linux тизимлари биргаликда ишлатиладиган бўлса.

Агар сиз компьютерингизда Windows ва Mandriva Linux тизимларини биргаликда ишлатмоқчи бўлсангиз (компьютер ишга тушаётганда тизимларни танлаш имконияти бўлиши назарда тутилаяпти), унда Mandriva Linux тизимидан олдин Windows тизимини ўрнатиш тавсия қилинади. Демак, Windows тизимини ўрнатаётганда, дискда битта асосий қисм яратинг ва тизимни ўрнатинг. Яратилган қисм дискни тўлиқ эгалламасин, яъни Mandriva Linux учун дискда камида 4-5 Гб бўш жой қолдириг.

- **Учинчи ҳолат:** Компьютерда Windows ўрнатилган ва диск бирдан ортиқ қисмларга эга бўлса.

Агар сизда Windows тизими аллақачон ўрнатилган бўлса унда дисклар қандай бўлинганлигига эътибор беринг. Агар сизнинг дискингиз бирдан ортиқ қисмларга эга бўлса унда Windows ўрнатилмаган қисмни ўчириб Mandriva Linux учун қайта форматлаш мумкин. Бундай ҳолатда Mandriva Linux тизимини ўрнатилиши керак бўлган қисмдаги барча маълумотларни бошқа жойга кўчиринг. Ўрнатиш жараёнининг “Дискни бўлиш” бўлимида дискнинг бу қисмини ўчириб қайта форматлашингиз мумкин бўлади.

- **Тўртинчи ҳолат:** Windows ўрнатилган дискда мавжуд қисмлардан бирининг ҳажмини қисқартириш керак бўлса.

Агар дискда фақат битта қисм мавжуд бўлса (бунда Windows тизимининг “Менинг компьютерим” бўлимида фақат C: локал диски кўринади) ва у дискни тўлиқ эгаллаган бўлса ҳамда дискдаги бўш жой етарли бўлмаса ёки шунчаки дискдаги қисмлардан бирини ўчиришни хоҳламасангиз, унда дискда мавжуд қисмлардан бирининг ҳажмини қисқартириш мумкин. Бундай ҳолатда дискнинг ҳажми қисқартирилаётган қисмида етарлича бўш жой борлигига эътибор беринг. Дискдаги қисмлар ҳажмини ўрнатиш жараёнининг “Дискни бўлиш” бўлимида DrakX дискни бўлиш ёрдамчиси билан ўзгартириш мумкин. Бундан ташқари бошқа дастурий маҳсулотлар, масалан, “Norton PartitionMagic”

дастуридан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Диск қисмларига ўзгартириш киритиш унда сақланаётган маълумотлар учун хавfli бўлиши мумкин. Шунинг учун қуйидаги кўрсатмаларни тўлиқ ва тўғри бажаринг.

Дастлаб ҳажми ўзгартирилаётган қисми хатоларга текшириш керак бўлади. Бунинг учун Windows тизимида Start (Пуск) тугмасини босинг ва у ердан Run (Выполнить) буйруғини ишга тушинг. Очилган ойнага “chkdsk X:” (“X” ҳарфини ҳажми ўзгартирилаётган дискнинг қисмини ифодалайдиган ҳарф билан алмаштиринг. Масалан “chkdsk c:”) буйруғини ёзинг ва Enter тугмасини босинг. “chkdsk” дастури дискни хатоликларга текшириб агар улар топилса уларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам дискни текшираётганда экран сақловчи ёки дискка маълумот ёзиши мумкин бўлган бошқа дастурлар ўчирилганлигига эътибор беринг. Яхшиси бу жараёни “Safe mode” (“Безопасный режим”) усулида амалга оширинг. Windows тизимини ушбу усулда ишга тушириш учун у юкланаётганда F8 тугмасини босиб туринг. Windows тизимини юклаш усуллари кўрсатилган меню экранда пайдо бўлганда у ердан “Safe mode” (“Безопасный режим”) усулини танланг.

Дискни хатоликларга текширгандан кейин уни дефрагментлаш керак. Бунинг учун Windows андоза дастурлари ичидан “Disk Defragmenter” (“Дефрагментация диска”) дастурини топиб ишга тушинг. Windows 2000/XP фойдаланувчилари Run (Выполнить) ойнасида “dfrg.msc” буйруғини киритиб бу дастурни ишга туширишлари мумкин. Ишга тушган дастурдан фойдаланиб ҳажмини ўзгартирилаётган қисми дефрагментлаш мумкин. Дефрагментлаш жараёни дискингизнинг ҳажми ва ундаги маълумотларнинг ҳолатига кўра бир неча соат давом этиши мумкин. Шунинг учун бу жараёнинг вақтини тўғри режалаштиришни ва сабрли бўлишни тавсия қиламиз.

Дискни хатоларга текшириб ва уни дефрагментлашни бажарганингиздан сўнг кейинги босқичга ўтишингиз мумкин. Унинг ҳажмини ўзгартириш 2.6-бўлимда батафсил кўрсатилади. **ДИҚҚАТ!** Диск қисмининг ҳажмини ўзгартириш одатда ундаги маълумотларга зарар келтирмайди. Аммо маълумотлар билан боғлиқ муаммолардан тўлиқ ҳолис бўлай десангиз, албатта эҳтимолга қарши уларнинг заҳира нусхасини олиб қўйинг.

1.3 BIOS

Охири қиладиган нарса – компьютерни компакт-дискдан юкланадиган қилиш. Буни BIOS’дан мослаш мумкин.

BIOS (Basic Input/Output System) компьютер асбоб-ускуналарини топиш ва операцион тизимни аниқлаб уни ишга тушириш учун ишлатилади. Бундан ташқари у асбоб-ускуналарининг дастлабки мосламаларини мослаш учун ҳам ишлатилади. BIOS мосламаларини ўзгартириш одатда компьютер ток манбасига уланган заҳоти, у ишга тушаётганда Del тугмасини босиб орқали (айрим BIOS дастурларида унинг ўрнига F2, F10 ёки Esc тугмалари ишлатилади) амалга оширилади. Афсуски, BIOS дастурлари турлари жуда кўп. Шунинг учун ҳам, керакли мосламани ўзингиз топишингизга тўғри келади. Мосламалар ичида “Boot sequence” ёки “First boot device” каби ёзувни қидиринг ва дастлабки юкловчи асбоб-ускуна сифатида компакт-дискни (CD-ROM) кўрсатинг.

Ўрнатиш


2.1 Бошлаш



Расм 2.1: Mandriva Linux 2007.1 тизимини ўрнатишда экранда биринчи кўринадиган тасвир.

Mandriva Linux тизими ёзилган биринчи компакт-дискни компьютерга қўйинг ва уни ёқинг. Бир оз вақтдан сўнг компьютернинг экранида 2.1-расмда кўрсатилган тасвирни кўрасиз. Бунда сизга бир қатор бандлардан иборат бўлган қуйидаги рўйхат таклиф қилинади.

- **Boot from Hard Disk** – Қаттиқ дискдан юклаш
Бу банд танланган туради. Агар биров муддат ҳеч қандай тугмани босмай кутиб турсангиз ёки ENTER тугмасини боссангиз унда компьютерни юклаш қаттиқ дискдан бошланади. Бу банд қаттиқ дискда тизим ўрнатилгану, лекин биринчи рақамли компакт диск CD-ROM ускунасида қолиб кетганда фойдали.
- **Install Mandriva Linux 2007 Spring on your system** – Mandriva Linux 2007 Spring тизимини компьютерга ўрнатиш
Бу банднинг номи айтиб турганидек, уни танлаб ENTER тугмаси босилса тизимни ўрнатиш бошланади.
- **Rescue System** – Тизимни тузатиш
Бу банднинг ёрдамида қаттиқ дискка ўрнатилган Linux тизимини тузатиш мумкин. Бу вазифани фақат тажрибали мутахассислар бажариши мумкин. У ушбу қўлланмада кўрсатилмайди.



Расм 2.2: Ўрнатишнинг тилни танлаш босқичи.

- **Memory Test** – Хотирани текшириш

Бу банднинг ёрдамида компьютернинг хотирасини текшириш мумкин. Текшириш бир нечта синовлардан иборат ва бир неча соат давом этиши мумкин.


Бундан ташқари, экраннинг пастида F1, F2, ва F3 тугмаларига боғланган меню ҳам бор. F1 – жуда қисқа ёрдам. F2 – тилни танлаш (ўзбек тили йўқ). F3 – қўшимча меню. Қўшимча менюда F4, F5 ва F6 тугма билан боғланган бандлар қўшилади. Бундан ташқари F3 тугмага боғланган менюнинг вазифаси ўзгаради. F3 – ўрнатиш вақтида ишлатиладиган экраннинг ўлчамини танлаш. F6 – ўрнатиш вақтида ишлатиладиган кернелнинг мосламаларини танлаш.

Ўрнатиш жараёнини бошлаш учун рўйхатдан **Install Mandriva Linux 2007 Spring on your system** бандини танланг ва ENTER тугмасини босинг. Кўп ҳолларда тизимни ўрнатиш жараёни ҳеч қандай муаммосиз ишлайди. Лекин бугунги кундаги компьютер қурилмалари жуда хилма-хил бўлгани учун ҳам ўрнатишнинг умумий мосламалари билан муаммолар бўлиши мумкин. Агар ушбу банд ёрдамида ўрнаётганда график интерфейс билан боғлиқ муаммолар кузатиладиган бўлса, эҳтимол экраннинг ўлчами жорий мосламаларга тўғри келмагани сабабчидир. Бу ҳолда, ўрнатиш вақтида ишлатиладиган экраннинг ўлчамини камайтириш ёрдам бериши мумкин. Бунинг учун, экраннинг пастида жойлашган қўшимча менюда F3 тугмасини босиб **640 x 480** бандини танланг.

Агар юқоридаги маслаҳатимиздан ҳам сўнг ўрнатиш жараёни ишга тушмаса, кернелнинг мосламаларини ўзгартириб кўриш мумкин. Бунинг учун қўшимча менюда F6 тугмасини босиб турли кернел мосламаларини танлаш керак. Биринчи ўринда **acpi=off**, **noapic** ва **noapic** мосламаларни синаб кўринг.

2.2 Тил

Mandriva Linux 2007.1 тизимини ўрнатиш жараёни ўрнатилаётган тизим учун тилни танлаш билан бошланади. Ушбу босқичда экранда кўринадиган тасвир 2.2-расмда кўрсатилган. Тиллар рўйхатидан, 2.2-расмда кўрсатилгандек, **Ўзбекча (кирил)** бандини танланг. Уни Asia (Осиё) қитъаси остида топса бўлади. Сўнг, **Next** тугмасини босиб навбатдаги босқичга ўтинг.



Расм 2.3: Ўрнатишнинг лицензия босқичи.

2.3 Лицензия

Бундан буён, экранда кўринадиган хабарлар ўзбек тилда бўлади тасвирлар эса 2.3-расмда кўрсатилган расмга ўхшайди. Расмда кўрсатилгандек, экраннинг чап томонида бажариладиган амаллар рўйхати берилган. Экраннинг ўртасида жорий амалга тааллуқли мулоқот ойнаси жойлашган. Жорий амал ҳақида маълумот олиш учун **Ёрдам** тугмасини босиш керак. Афсуски, ёрдам маълумоти ўзбекчага ҳали таржима қилинмаган. Навбатдаги босқичга ўтиш учун **Кейинги** тугмасини босиш керак.

Тилни танлаш босқичидан кейин **Лицензия** босқичи келади. Унда сиз ва Mandriva ўртасидаги лицензия келишувини қабул қилиш ёки рад этиш сўралади. Лицензия келишувини эътибор билан ўқиб чиқинг. Агар у ердаги шартларга рози бўлсангиз, 2.3-расмда кўрсатилгандек **Қабул қилиш** деган жойни белгиланг ва навбатдаги босқичга ўтинг. Акс ҳолда, компьютерни ўчиринг, холос.

Янги нарсалар тугмасини босиб Mandriva Linux 2007 Spring тизимида қандай ўзгаришлар рўй бергани ҳақида танишиш мумкин.

2.4 Тугматаг


2.4.1 Тугмалар тартибини танлаш

Бундан буён, ушбу қўлланмада қулайлик сабабига кўра расмларда экраннинг ўртасида кўринадиган тасвирлар намоиш этилади.

Бу босқичда сизга керак бўлган тугмалар тартибини танлашингиз мумкин. Олдинги босқичда ўрнатилаётган тизимнинг тили сифатида кирил ёзуви билан ёзиладиган ўзбек тили танлангани учун андоза бўйича ўзбекча тугмалар тартиби ишлатилади. Шу сабабдан ҳам 2.4-расмда кўрсатилгандек ўзбекча тугмалар тартиб аллақачон белгиланган бўлади. Бошқа тугмалар тартибини танлаш учун **Кўпроқ** тугмасини босиб уни пайдо бўлган рўйхатдан танлаш мумкин.

Одатда, иккиламчи тугмалар тартиби сифатида инглизча (АҚШ) ишлатилади. Агар сизга бу мос келмаса, тизимни ўрнатгандан сўнг уни қуйидагича мосласа бўлади.

Фараз қилайлик сизга италян, рус ва ўзбекча тугмалар тартиби керак. Фойдаланувчи root сифатида оддий тахрирчи дастури билан /etc/X11/xorg.conf файлини очинг ва Section "InputDevice" сатрдан кейин



Расм 2.4: Тугмалар тартибини танлаш босқичи.

келувчи Option “XkbLayout” билан бошланган сатрни топинг. Уни Option “XkbLayout” “it,uz,ru” қаторига алмаштиринг, холос.

Диққат! Мосланган тугмалар тартибларининг ичида камида битта лотин алифбосида асосланган тугмалар тартиби (us, de, tr ва ҳоказо) бўлиши шарт. Акс ҳолда, уларнинг унисидан-бунисига ўтиб бўлмайди.


2.4.2 Тугмалар бирикмаси

Энди, турли тугмалар тартибининг унисидан-бунисига ўтиш учун ишлатиладиган тугмалар бирикмасини танлаш керак. Шу босқичда кўринадиган рўйхатдан сизга мос келадиган тугмалар бирикмасини танланг. Биз Alt ва Shift тугмаларини тавсия қиламиз.

2.5 Хавфсизлик

Ўрнатишнинг ушбу босқичида тизимнинг хавфсизлик даражасини танлаш керак. Одатда, андоза даража мақсадга мувофиқ бўлади. Агар компьютер жиддий вазифани бажарувчи тармоқдаги сервер сифатида ишлатилса, албатта юқорироқ даражани танлаш керак. Хавфсизлик даражалари ва уларнинг қисқача таърифи қуйида берилган.

- **Андоза:** Бу Интернет тармоғида клиент сифатида ишлатиладиган компьютер учун тавсия этилган хавфсизликнинг андоза даражаси.
- **Юқори:** Тизимда аллақачон баъзи чеклашлар мавжуд ва ҳар куни автоматик текширувлар бажарилади.
- **Жуда юқори:** Хавфсизликнинг бу даражасида тизимни сервер сифатида ишлатиш мумкин. Тизимни бир қанча клиентлар билан алоқа ўрната оладиган сервер сифатида ишлатиш учун хавфсизлик даражаси етарлича юқори.
- **Параноид:** Бу даража олдинги даражага ўхшайди, аммо тизим умуман ёпиқ ва хавфсизлик параметрлари энг юқори қийматларга эга.



Расм 2.5: Хавфсизлик даражасини танлаш.

Агар компьютерда турли хил хавфсизлик текширувлар ўтказилса, уларнинг охирида ҳисобот жўнатилади. Ҳисобот кимга жўнатилишини **Хавфсизлик бошқарувчи** деган майдонда кўрсатса бўлади. У ерга фойдаланувчи ёки тўлиқ электрон почтани киритса бўлади. Агар майдон бўш қолдирилса, андоза бўйича root фойдаланувчи фараз қилинади.

2.6 Дискни бўлиш

Дискни бўлиш босқичига ўтгандан кейин экранда 2.6-расмдаги каби тасвир пайдо бўлади. Дискнинг ҳолатига қараб сизга қуйидаги бандлар таклиф қилиниши мумкин:

- **Бўш жойдан фойдаланиш**


Бу бандни танлайдиган бўлсангиз, дискдаги бўш жой авто-тақсимланади ва форматланади. Албатта, бунда дискда етарлича бўш жой бўлиши талаб қилинади. Агар дискларнинг бўлиниши ва файл тизимлари ҳақида тушунчага эга бўлмасангиз, ушбу банди танлашингиз тавсия қилинади. Бу ҳолда сиздан диск бўйича ҳеч нарсани мослашингиз талаб қилинмайди.

- **Дискда бор қисмлардан фойдаланиш**

Агар Mandriva Linux тизимини ўрнатиш воситаси дискда бир ёки undan ортиқ Linux файл тизимларида форматланган қисмлар топса, ушбу банд таклиф қилинади. Агар сиз улардан фойдаланмоқчи бўлсангиз ушбу бандни танлашингиз мумкин. Кейин сиз ҳар бир қисм учун улаш нуқталарини кўрсатишингиз мумкин бўлади. Андоза бўйича эски мосламалар сақлаб қолинади ва кўп ҳолларда уларни ўзгартириш шарт бўлмайди. Яна сиздан қайси қисмларни форматлаш ва қайсиларини ўз ҳолича қолдириш кераклиги ҳам сўралади.

- **Дискнинг Windows қисмидаги бўш жойдан фойдаланиш**

Бу банд агар дискда Windows тизими ўрнатилган ва унда бўш жой бўлмаган ҳолатда таклиф қилинади. Бунда Windows тизими ишлатаётган диск қисми ҳажмини қисқартириш мумкин. Ушбу бандни танлашдан олдин 1.2-бўлимда кўрсатилган тўртинчи ҳолат (Windows ўрнатилган дискда мавжуд қисмлардан бирининг ҳажмини қисқартириш) бўйича тавсияларни диққат билан ўқиб чиқинг ва



Расм 2.6: Дискни бўлиш қисмининг бошланиши.

кўрсатилган амалларни бажарганингизга ишончингиз комил бўлса ўрнатиш жараёнини бу банд билан давом этинг.

- **Бутун дискни ўчириб ишлатиш**

Агар дискдаги барча маълумотларни ва қисмларни ўчирмоқчи бўлсангиз, бу бандни танланг. Ушбу амални тасдиқлаганингиздан сўнг дискнинг асл ҳолатига қайтиб бўлмайди. **ДИҚҚАТ!** Бу бандни танлайдиган бўлсангиз, дискдаги мавжуд барча маълумотлар ва диск қисмлари ўчирилади ҳамда Mandriva Linux тизими учун қайта форматланади.

- **Дискни бошқача бўлиш**

Агар диск қисмларини ўзингиз яратмоқчи бўлсангиз, ушбу бандни танланг. Бу банд ёрдамида дискка хоҳлаганингиздек ўзгаришлар киритишингиз мумкин. Фақат эҳтиёт бўлинг, агар бирор амални нотўғри бажарсангиз, дискдаги маълумотларни осонгина ўчириб юборишингиз мумкин. Қуйида ушбу бандни батафсил кўриб чиқамиз.


Расмда кўрсатилгандек **Дискни бошқача бўлиш** деган бандни танланг ва кейинги босқичга ўтинг. Энди, 2.7-расмда кўрсатилган тасвирга ўхшаш тасвир пайдо бўлиши керак.

Энди, бир оз назария. Linux тизимида биринчи асосий (master) диск hda, биринчи иккиламчи (slave) диск hdb, иккинчи асосий диск hdc ва иккинчи иккиламчи диск hdd деб аталади. Дискнинг асосий (primary) қисмлари 1-4 рақамларга эга бўлади, унинг кенгайган (extended) қисмлари эса 5-дан бошлаб рақамланади. Шундай қилиб, hda1 - биринчи асосий дискнинг биринчи қисми, hdb5 - биринчи иккиламчи дискнинг кенгайган қисмида жойлашган биринчи қисм.

Юқоридаги маълумот фақат IDE дискларга тааллуқли. SCSI ва одатда SATA дисклар sda, sdb ва ҳоказо, деб аталади.

Дискни тайёрлаш Linux тизимини ўрнатишда жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Илтимос қуйидаги кўрсатмаларни эътибор билан ўқиб чиқиб тушунишга ҳаракат қилинг. Нотўғри ҳатти-ҳаракат дискда мавжуд бўлган маълумотни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Агар дискни қўлланманинг 1.2-бўлимида кўрсатилгандек яъни дискда битта асосий қисм яратиб, унга Windows тизимини ўрнатган ва етарлича бўш жой қолдирган бўлсангиз, диск 2.7-расмда кўрсатилгандек кўринади. Бу ерда, дискнинг биринчи - Windows тизими ўрнатилган қисми кўк рангда ва унинг бўш




Расм 2.7: Иккига бўлинган ва биринчи қисми Windows учун бўлган дискнинг кўриниши.

қисми оч қул рангда. Ушбу мисолда дискнинг Windows ўрнатилган қисми `/mnt/windows` директориясига уланади. Сизнинг ҳолингизда бу бошқа бўлиши мумкин, бунга аҳамият берманг.

Агар диск битта қисмдан иборат бўлиб унга Windows тизими ўрнатилган бўлса, дискда Mandriva Linux 2007.1 тизимини ўрнатиш учун алоҳида қисм яратишга тўғри келади. Бунга Windows тизими эгаллаган диск қисмининг ҳажмини ўзгартириб эришиш мумкин. Бунинг учун Windows тизими эгаллаган дискнинг қисмини сичқонча билан босиб танланг ва **Ҳажмини ўзгартириш** тугмасини босинг. Пайдо бўлган ойнада Windows учун қанча жой қолдиришни киритинг. Натижада, диск тасвири 2.7-расмдаги каби кўриниши керак.

Агар диск бирдан ортиқ қисмдан иборат бўлса ва дискда бўш жой бўлмаса, унда операцион тизим ўрнатилмаган қисмлардан бирини ўчириб, Mandriva Linux 2007.1 тизимини ўрнатиш учун қайта форматлаш мумкин. Бунинг учун ўчирилиши керак бўлган дискнинг қисмини сичқонча билан босиб танланг ва **Ўчириш** тугмасини босинг. Натижада, дискда бўш жой ҳосил бўлади. **ДИҚҚАТ!** Бунда кўрсатилган диск қисмидаги бор бўлган барча маълумотлар ўчирилади.

Энди, дискда Mandriva Linux учун туб қисмини (`/`) яратиш вақти келди. Бунинг учун дискнинг бўш қисмини танланг ва **Яратиш** тугмасини босинг. Операцион тизимининг туб қисми 2,5 Гбдан кўп бўлиши, тури **Journalised FS:ext3** ва улаш нуқтаси `/` бўлиши керак. 2.8-расмда мақсадимизга мувофиқ ҳажми 5 Гб атрофида бўлган дискнинг қисмини яратиш кўрсатилган.




Расм 2.8: Дискда Mandriva Linux учун туб қисмни яратиш.

Энди, дискда свop қисмини яратамиз. Дискнинг свop қисми заҳира хотира учун ишлатилади. Масалан,

агар мавжуд бўлган хотирада жой бўлмаса, Linux swapни ҳудди хотира сифатида ишлатади.

Дискда янги қисм яратиш учун яна бўш қисмни танланг ва **Яратиш** тугмасини босинг. Пайдо бўлган ойнанинг майдонларини 2.9-расмда кўрсатилгандек тўлдилинг. Swapнинг ҳажми бир неча юз Мб бўлиши керак. Одатда swapнинг ҳажми компьютер оператив хотирасининг ҳажмидан икки баробар кўп қилиб олинади. Файл тизимининг тури майдонида **Linux swap** турини танланг.



Расм 2.9: Дискда Mandriva Linux учун swap қисмни яратиш.

Яқунда, фойдаланувчиларнинг уй директориялари учун дискда янги қисм яратамиз. Бунинг учун юқорида операция тизим учун туб қисм яратилгандек дискда янги қисм яратинг. Унинг тури **Journalised FS: ext3** ва улаш нуқтаси **/home** бўлиши керак. У учун дискда қолган бор жойни ажратинг.

Агар диск 2.10-расмда кўрсатилгандек кўринса, **Тайёр** тугмасини босиб навбатдаги босқичга ўтишингиз мумкин. Акс ҳолда, **Бекор қилиш** тугмаси ёрдамида нотўғри бажарилган амални қайтаришингиз мумкин.

Дискнинг қайси қисмлари формат қилиниши керак деб сўралганда янги яратилган / ва **/home** директорияларга уланадиган қисмларни белгиланг.

2.7 Пакетлар


Пакетларни ўрнатишдан аввал, компьютернинг дискида тизимнинг туб қисмида (/) тизимга керак бўлган жойга қўшимча тахминан 5 Гб бўш жой бўлса, экранда 2.11-расмда кўрсатилган ойна пайдо бўлади. Унда аниқланган ўрнатиш манбаси кўрсатилган. Бизнинг ҳолимизда бу битта DVD-дискда тарқатиладиган Mandriva Linux 2007.1 тизимидир. Пакетларни қидириш, танлаш ва ўрнатиш айти шу DVD-дискдан бажарилади. Шунинг учун ҳам у ўрнатиш манбаси сифатида аллақачон белгиланган бўлади.

Бундан ташқари, бу ерда DVD-дискдаги ҳамма пакетлардан компьютернинг дискига нусха олиш мумкин. Бу ҳолда, келажақда пакетларни ўрнатишда тизимни ўрнатишда ишлатилган DVD-диск керак бўлмайди, улар тўғридан-тўғри компьютернинг дискдан ўрнатилади. Ушбу қулайликдан фойдаланмоқчи бўлсангиз, **Бутун дискдан нусха олиш** мосламасини белгиланг. Эътибор беринг, бу қулайлик компьютернинг дискида тизимнинг туб қисмида (/) қўшимча тахминан 5 Гб бўш жойни эгаллайди. Сизга керак бўлган мослама танлангандан сўнг **Кейинги** тугмасини босинг.


Энди сиз ўрнатилиши керак бўлган дастурларни танлаш имкониятига эгасиз. Қулайлик учун улар гуруҳларга бўлинган. Қуйидаги 2.12-расмда **Идора станцияси**, **Мултимедиа станцияси**, **Интернет станцияси**, **Мослаш**, **Консол воситалари** ва **KDE** гуруҳлари белгиланган. Бундай мосламада, кўпчиликка кундалик ишда керак бўладиган дастурлар ўрнатилади.

Жами деган жойда ўрнатиладиган ва DVD-дискда мавжуд бўлган дастурларнинг ҳажми кўрсатилади. Агар дастурларни биттама-битта танлашни истасангиз, **Пакетларни биттама-битта танлаш** деган жойни белгиланг. Бу қулайликдан фойдаланиш учун дастурларнинг номи билан таниш бўлиш керак ва сизга нима керакни аниқ билишингиз керак. Бу қўлланма Mandriva Linux тизими билан нотаниш фойдаланувчилар учун ёзилган, шунинг учун бу қулайлик ушбу қўлланмада кўрсатилмайди. Албатта, синаб кўришдан сизни ҳеч ким тўхтатмайди.


Энди, **Кейинги** тугмани босангиз дастурларни ўрнатиш жараёни бошланади. Ушбу жараён давомида кузатишингиз мумкин бўлган тасвирлардан бири 2.13-расмда кўрсатилган. Экранда тизимни ўрнатиш жараёни тугашига тахминан қанча вақт қолганини кўриш мумкин.



Расм 2.10: Дискни бўлиш босқичининг якунида кўринадиган тасвир.




Расм 2.11: Пакетларни танлаш ва ўрнатиш босқичи бошида экранда кўринадиган тасвир.



Расм 2.12: Пакетларни гуруҳ бўйича танлаш ойнасининг кўриниши.



Расм 2.13: Пакетларни ўрнатиш давомида экранда кўринадиган тасвирлардан бири.



Расм 2.14: Тизимга root фойдаланувчини қўшиш босқичида экранда кўринадиган тасвир.

Агар **Тафсилотлар** тугмасини боссангиз, қайси пакет ўрнатилаётгани ва унинг қисқа таърифини кузатиш мумкин бўлган ойна пайдо бўлади. Ўрнатилаётган пакетнинг қисқа таърифи инглиз тилида кўрсатилади.

2.8 Фойдаланувчи

2.8.1 Root


Ўрнатишнинг бу босқичида тизимга фойдаланувчиларни қўшамиз. Биринчи ўринда – root. Root бу ҳар қандай Linux тизимида махсус фойдаланувчидир, у тизимдаги бор ҳуқуқларга эга бўлади. Ундан жуда ҳам эҳтиёткорлик билан фойдаланинг, нотўғри ҳатти-ҳаракат бутун тизимни ишдан чиқариши мумкин.

Экранда 2.14-расмда кўрсатилган тасвир кўринганда, root учун махфий сўзни икки марта киритинг ва кейинги босқичга ўтинг.

2.8.2 Оддий фойдаланувчи

Linux тизимидан ҳар ким фойдаланувчи ва махфий сўзни киритиб фойдаланиши мумкин. Ушбу босқичда биз ҳудди шу маълумотни киритамиз, бошқача айтганда фойдаланувчини яратамиз. Бунинг учун 2.15-расмда кўрсатилгандек фойдаланувчининг исми-шарифини, фойдаланувчини ва у учун махфий сўзни киритинг. Фойдаланувчининг исми-шарифи учун кирил ёзувини ишлатиш мумкин, бунинг учун Ctrl тугмасини босинг. Фойдаланувчи ва махфий сўз учун фақат латин ёзувини ишлатинг. Агар биттадан кўп фойдаланувчини яратиш керак бўлса, **Қабул қилиш** тугмасини босинг ва навбатдаги фойдаланувчи учун керакли маълумотни юқорида кўрсатилгандек киритинг. Киритилган махфий сўзларни, айниқса root учун, албатта эслаб қолинг.

Агар компьютерни бир ўзингиз ишлатмоқчи бўлсангиз (айтайлик уйда), авто-кириш имкониятидан фойдаланишингиз мумкин. Бу ҳолда, компьютер ёқилганида тизимдан биринчи марта фойдаланиш учун фойдаланувчи ва махфий сўзни киритиш шарт эмас. Ушбу қулайлик 2.16-расмда ўчирилган.



Фойдаланувчини қўшиш

Фойдаланувчини киритинг

Фойдаланувчининг ҳақиқий исми-шарифи: Mashrab Kuvatov

Фойдаланувчи: kmashrab


Махфий сўз: *****

Махфий сўз (яна): *****

▸ Қўшимча

Ёрдам Қабул қилиш Кейинги

Расм 2.15: Тизимга оддий фойдаланувчини қўшиш босқичида экранда кўринадиган тасвир.



Тизимга автоматик равишда кириш


Компьютерни битта фойдаланувчи автоматик равишда киришга мослаш мумкин.

Бу қулайликдан фойдаланиш

Ойналар бошқарувчисини танланг: KDE

Кейинги

Расм 2.16: Тизимга автоматик равишда кириш ойнанинг кўриниши.



Расм 2.17: Операцион тизими юклагичини ўрнатиш босқичида экранда кўринадиган тасвир.

2.9 OT юклагичи

Компьютерга бир неча операцион тизим (ОТ) ўрнатилганда уларни компьютер ишга тушгандан кейин бирор йўл билан юклаш керак. Бу вазифани GRUB ёки LILO деган махсус дастур ёрдамида бажарса бўлади. Ҳозиргача чиққан Mandriva Linux тизимларида LILO ишлатилиб келган эди, аммо Mandriva Linux 2007.1 тизимидан бошлаб андоза бўйича GRUB ишлатилади.

Windows ва Mandriva Linux тизимидан фойдаланиш учун уни дискнинг биринчи секторига ўрнатамиз. Бунинг учун 2.17-расмда кўрсатилгандек **Дискнинг биринчи сектори (MBR)** деган жойни белгиланг. Сўнг, ўрнатишни муваффақиятли тугатсангиз, компьютерни ўчириб-ёққандан кейин истаган ОТни танлашингиз мумкин.


2.10 Ҳисобот

Ушбу босқичда ҳозиргача маълум бўлган маълумот асосида мосланган тизим ҳақида ҳисобот олиш мумкин. 2.18-расмда кўрсатилгандек ҳар битта банд учун битта **Мослаш** тугмаси тўғри келади. Шу тугма ёрдамида бандга тегишли мосламаларни ўзгартириш мумкин.

Ҳар ҳолда, ўрнатишнинг бу босқичида компьютернинг ҳамма мосламаларни мослашни тавсия қилмаймиз. Буни ўратишдан сўнг Mandriva Linux бошқарув маркази ёрдамида ҳам бажариш мумкин. Уни иш столидаги менюда **Тизим** -> **Мослаш** бандида топишингиз мумкин.

Аммо, юқоридаги тавсияга графикани мослаш кирмайди. Уни иложи борича тизимни ўрнатиш вақтида тўғри мослашга ҳаракат қилиш керак. Акс ҳолда, тизимни ўрнатиб компьютерни ўчириб ёққандан сўнг кутилган натижа ўрнига кўра экранда **login:** ёзувини учратасиз. Бу албатта тизим нотўғри ўрнатилган дегани эмас - графика нотўғри мосланган, холос. Агар турли сабабларга кўра сиз шундай ҳолга учрасангиз, тизимга фойдаланувчи **root** (қўлланманинг 2.8.1-бўлимига қаранг) бўлиб киринг ва **XFDrake** буйруғини бажаринг. Унинг ёрдамида кейинги бўлимда кўрсатилгандек график карта ва мониторни мослаш мумкин.

Энди 2.18-расмда кўрсатилган ҳисобот ойнада **График интерфейс** бандига тегишли **Мослаш** тугмасини босинг.



Расм 2.18: Ўрнатишнинг ҳисобот босқичида экранда кўринадиган тасвир.

2.11 График интерфейсни мослаш

Ўрнатишнинг ушбу босқичида график карта ва монитorni мослаймиз. Давом этиш учун экранда 2.19-расмда кўрсатилган ойна бўлиши керак. Кўрсатилгандек, ойнада график карта, монитор ва монитorning ўлчамини танлаш учун алоҳида тугма бор. Танланган жорий қиймат ҳар бир тугмада ёзилган. Синаш тугмаси ёрдамида жорий мосламаларни синаб кўриш мумкин. Параметрлар тугмаси ёрдамида график картанинг турли мосламаларини мослаш мумкин. Бундан ташқари, тизим юклангандан сўнг график интерфейсни ишга туширишни ҳам мослаш мумкин.

2.11.1 График карта


График интерфейсни мослашни график картадан бошлаймиз. Одатда, ўрнатиш дастури компьютерга ўрнатилган график картани тўғри аниқлаб сиз учун мос келадиганини танлайди. Акс ҳолда, 2.19-расмда кўрсатилган ойнада график картага тегишли тугмани босинг ва пайдо бўлган рўйхатдан сизга мос келадиган график картани ўзингиз танланг.

Ушбу қўлланма учун ишлатилган компьютерда Rage Mobility график картаси борлиги сабабли 2.20-расмда АТІ ишлаб чиқувчи остидаги **Mach / Rage-based cards** график картаси танланган. Сиз албатта сизга мос келадиган график картани танлашингиз керак, у расмда кўрсатилгандан фарқ қилиши мумкин.


2.11.2 Монитор

Монитorni мослаш учун 2.19-расмда кўрсатилган ойнада мониторга тегишли тугмани босинг ва пайдо бўлган рўйхатдан сизга керакли монитorni танланг, холос. Мониторлар рўйхатда уларни ишлаб чиқарувчи бўйича тартибланган. Агар мониторингиз рўйхатда бўлмаса, **Андоза** банднинг остидаги бирон қийматни синаб кўринг. 2.21-расмда мисол сифатида кўпчилик ноутбукларда учрайдиган монитор танланган.


Энди, 2.22-расмда кўрсатилгандек экраннинг ўлчами ва рангларнинг сонини танлаш керак. Бунинг учун 2.19-расмда кўрсатилган ойнада ўлчамга тегишли тугмани босиш керак. Экраннынг ўлчами албатта график карта ва мониторга боғлиқ. Одатда 1024x768 яхши натижани беради.




Расм 2.19: График карта ва мониторни мослаш ойнасининг кўриниши




Расм 2.20: График картани танлаш босқичида экранда кўринадиган тасвир.



Расм 2.21: Мониторни танлаш босқичида экранда кўринадиган тасвир.



Расм 2.22: Экраннинг ўлчамини танлаш ойнасининг кўриниши.



Расм 2.23: График картанинг мосламалари ойнасининг кўриниши.


2.11.3 Синаш

Кейинги босқичда, у 2.23-расмда кўрсатилган, график картага тааллуқли мосламаларни кўрсатиш мумкин. Бу учун 2.19-расмда кўрсатилган ойнада **Параметрлар** тугмасини босинг. Бу ерда тизим юкланганидан сўнг график интерфейс ишга тушишини ҳам кўрсатиш мумкин. Афсуски, бу босқич ҳали ўзбекчага таржима қилинмаган шунинг учун, тафсилотларга берилмасдан андоза мосламаларни ўзгартирмай кейинги босқичга ўтамиз.

Энди кейинги босқичга ўтишдан аввал график интерфейснинг танланган мосламаларини албатта синаб кўриш керак. Бу учун 2.19-расмда кўрсатилган ойнада **Синаш** тугмасини босинг. Агар натижа қониқарли бўлса, навбатдаги босқичга ўтинг. Акс ҳолда, орқага қайтиб график интерфейсни тўғри мослашга яна уриниб кўринг.


2.12 Янгилаш

Mandriva Linux 2007.1 тизими чиққанига бир неча ой бўлди. У учун аллақачон бир неча юз мегабайт янгиланишлар чиққан. Ушбу босқичда янгиланишларни ўрнатиш мумкин. Бунинг учун компьютер Интернетга уланган бўлиши шарт. Акс ҳолда, 2.24-расмда кўрсатилгандек “Йўқ” деб навбатдаги босқичга ўтинг.



Расм 2.24: Янгиланишлар ойнасининг кўриниши.

Якун



Расм 3.25: Ўрнатишнинг охириги қисмида экранда кўринадиган тасвир.

Ниҳоят, Mandriva Linux 2007.1 тизимини ўрнатишнинг охириги босқичига етиб келдик. Энди фақат компьютерни ўчириб-ёқиш қолди. Бу учун 3.25-расмда кўрсатилган **Ўчириб-ёқиш** тугмасини босинг, холос. Linux оламига марҳамат! :-)

Саволлар ва таклифлар

Агар ушбу қўлланмага доир савол туғилса ёки уни яхшилаш бўйича таклифларингиз бўлса, илтимос унинг муаллифлари билан электрон почта орқали боғланинг.

Mandriva Linux тизимини ўрнатишда ёки ишлатишда сизда муаммо ёки савол туғилса, илтимос қўлланманинг муаллифларига мурожаат қилманг. Муаммони ўз кучингиз билан ечишга ҳаракат қилинг. Хато қилишдан қўрқманг, ҳамма ҳам янги билимларни хатолар билан ўрганади. Агар муаммони ўз кучингиз билан ечолмасангиз, маҳаллий Linux фойдаланувчиларига мурожаат қилишингиз мумкин. Одатда, Linux фойдаланувчилари бир-бирига ёрдам беришга тайёр бўлишади. Уларни ўқув юртлари қошидаги компьютер марказларида, компьютер устохоналарида ёки Интернет провайдер каби корхоналарда учратишингиз мумкин.

Агар Интернетдан фойдаланиш имкониятингиз бўлса, унда Mandriva Linux ва умуман Linux тизимида доир жуда кўп маълумот топиш мумкин. Афсуски, асосий маълумот инглиз тилида. Қуйида бир-иккита фойдали веб-сайтларнинг манзили келтирилган.

<http://www.opennet.uz> – Ўзбекистонлик Linux фойдаланувчилари маркази (ўзбек тилида).

<http://www.linuxcenter.uz> – Бу ҳам ўзбекистонлик Linux фойдаланувчилари маркази (рус тилида).

<http://mandrivausers.org> – Mandriva Linux фойдаланувчилари маркази (инглиз тилида).

<http://forum.club.mandriva.com> – Mandriva Linux фойдаланувчилари учун форум (инглиз тилида).